


Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 15 август, № 162 (4572)

Жума



Тўқимачилик:

КАЛАВА ИПДАН — ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

**Мустақиллик
— бизнинг
борлигимиз,
шону шуҳратимиз,
эркин ва фаровон
кељагагимиз
гаровидир**

Истиқлол бошқа соҳа-ларда бўлгани каби мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам янги даврни бошлаб берди. Тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, мулкдорлар фаолияти учун барча шарт-шароит яратиб берилгани ишлаб чиқаришда уларнинг фаоллигини оширди. Бу ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси йил сайин ошиб боришини таъминламоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган мажлисида келтирилган рақамлар, билдирилган фикрлар бунинча бир бор тасдиқлайди. Зотан, бу даврда ялпи ички маҳсулот 9,3 фоизга ўсди. Кичик бизнеснинг ундаги улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40,2 фоизгача кўпайди. Уз навбатида, саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича 12,2 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 16,6 фоиз ўсишга эришилди.




Мажлисда Юртбошимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини таҳлил қилиб, жумладан, енгил саноатга ҳам алоҳида тўқталаркан, бу тизимнинг кеңаси, бугунги ва эртаси ҳақида фикр-мулоҳаза қилиб, уни янада ривожлантириш бўйича йўл-йўриқларни белгилаб берди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз енгил саноат тизими мустақиллик йилларида тобора ривожла-

ниб борапти. Бугунги кўрсаткичлар бундан 17-18 йил олдингилари билан таққосланса, бу яққолроқ кўзга ташланади. Негаки, илгари етиштирилган пахта хом ашёсининг атиги 5-8 фоизи ўзимизда қайта ишланган, холос. Ассосий эътибор хом ашё етиштиришга қаратилиб, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. "Ўзбекенгил-

саноат" давлат акциядорлик компанияси тизимида 195 та корхона бўлиб, шундан 62 таси бевосита пахтани қайта ишлаш билан шуғулланади. Ўтган йили мавжуд корхоналарда 255 миң тонна хом ашё қайта ишланиб, жаҳон бозорига хариддорлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Жорий йилда янги ва қўшимча қувватларнинг ишга туширилиши эвазига бу кўрсаткич

(Давоми 2-бетда).

14 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясининг раҳбари Х. Дўстмуҳамедов ахборот билан сўзга чиқди. Қонунчилик палатаси янги ташкил этилган депутатлар фракциясини рўйхатга олди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқаруви» ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий Қонунга мувофиқ, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясининг раҳбари Х. Дўстмуҳамедовни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайладилар.

фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар мамлакатимизда ушбу жиноят турининг олдини олишга қаратилган муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар одамлардан эўрлик билан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ўғирлаш, ташиш ва яширишга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига янада самарали фаолият олиб бориш имконини беради. Мамлакат жиноят қонунларининг одам савдосига қарши курашишга доир қисмини такомиллаштириш бундай жиноятларни очиб қарашига ва уларнинг олдини олишга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга ижобий таъсир кўрсатади. Муҳокама чоғида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов тақдим этди. Муҳокама чоғида депутатлар ушбу қонун лойиҳаси ҳақидаги муҳокама қарши самардорлигини янада оширишга қаратилганини таъкидладилар. Суд амалиётининг таҳлили қонун нормалари таърифларининг маромига етказилмаганлиги айрим турдаги жиноятларга қарши кураш борасида самардорликка эришишга салбий таъсир кўрсатётганлигидан далolat беради. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида депутатлар билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

(Ў.А.)

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг ўрганиши, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда турли учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам ана шундай маърифий тадбирлар давом этмоқда. Улардан бири Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барақ маҳалласи ҳамда Самарқанд давлат университетининг қишлоғидаги 1-академик лицейда ўтказилди.

Тадбирларда сўзга чиққанлар маъруза китоб кишиларимизнинг маънавият ҳақидаги тасаввур ва тушунарларини бойитишда, буюк аждодларимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимиздан гуруҳларни ҳиссини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Зеро, китобда қайд этилгандек, маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамятнинг давлатнинг буюк бойлиги ва кучидир манбаидир.

— Маъруза асар халқимизнинг юксак маънавиятини очиб берадиган, миллий менталитетимизни холосона акс эттирган қимматли манба бўлиб хизмат қилади, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг маъ-

Ф. ҲАСАНОВ,
Ў.А. мухбири.

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамини таъйинлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон кељагагимиз гаровидир» деган эзгу гояни ўзда мужассам этган турли маданий-маънавий тадбирлар — давра суҳбатлари, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилмоқда. Ушбу кутлуғ санани муносиб нишонлаш учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриломоқда. Абдулла Қўлдошев Истиқлол байрами арафасида эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ў.А. мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бермоқда, — дейди А. Қўлдошев. — Бу мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиши, халқимиз фаровонлигининг янада ошиши, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг мустақамлашишида муҳим омил бўлаётди. Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида беқийёс ишлар амалга оширилмоқда. Биз ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, тилимиз ва динимизни, миллий қадриятларимизни тиклаб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик. Шу боис, энг улғун, энг азиз байрамимиз — мустақиллик кўни шодиянларнинг мам-

лакатимиз бўлиб тинч, осойишта ва юксак савияда ўтишини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Вазирлигимизда бу борадаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз пойтахтида, вилоятлар ва туманлар марказларида, маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда, байрам тантаналари ўтадиган барча жойларда жамоат тартибининг сақлаш, фақуллода ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳоли тинчлигини, йўл-транспорт ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда бир қатор ишлар олиб бориломоқда. Осойишталик, ҳамжихатлик, аввало, оила ва маҳалладан бошланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, юртимиздаги

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган тараққиётимизнинг асосий йўналишларидан биридир

Бу ҳақиқат шунки, биз иқтисоднинг илк кунларидек Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзинга хос ва ўзимизга тўла мос тараққиёт йўлини адашмай топиб олдик ва мана шу йўлдан бориб, буюк натижаларга эришдик. Бу йўлни мустаас бир шаклда ифода этадиган бўлса, **ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамяти йўли**дир.

Жараён

Биз бу таърифтаги «ижтимоий йўналтирилган» иборасини алоҳида таъкидлаб қўриб ўтишни истар эдик. Сабоби, айнан ана шу ибора кўп нарсаи аналтади. Маълум, собик мустабид шўро тизими енгилган, унинг харобалари манбаида вужудга келган ёш мустақил давлатларда парожандликка учраган, эски партибдаги иқтисодиётини «фалак аҳволга солиб даволаш», «жадаллаштирилган иқтисодий ва демократик ислохотлар ўтказиш» каби гоялар майдонга ташланди. Нима қилиб бўлса-да, тараққиётнинг равои йўлига тезроқ чиқишга уриниш, бу йўлда, ҳатто, халқнинг катта қисми, оддий меҳнатқаш қатлами манфаатларидан кўз юмдиш — муҳим ва ўта хатарли йўл эди. Бундай «ислохотлар»нинг натижаси шу бўлдики, ён қўшни мустақил давлатларда ҳар қандай ислохотдан одамларнинг қўнгли совиқ бошлади, ўзга-

ришларга ҳадиксираб, хавотирланиб қарашлар кучайди... Бизнинг баҳтимиз шундаки, Юртбошимиз атроф-борлиқдаги бундай аҳволни, энг муҳими, давлатчиликнинг миллий аънавалари ва жаҳондаги тақрибларини атрофлича ва теран мушоҳада этиди ҳамда янги тарихий тараққиётимизнинг мустаҳкам асосини, ёрқин истиқболли машур беш тамойилни илгари сурди. Жумладан, ислохотлар жараёнида **кучли ижтимоий сиёсат юритиш** — ана шу беш тамойилнинг тўртинчи қоидадир. Мамлакатда ўтган ўн етти йил мобайнида кенг қамровли иқтисодий шартнош аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлида жуда катта мижёсдаги ишлар амалга оширилди ва улар қўтилган самараларни бермоқда. Бизнинг чуқур ижтимоий йўналтирилган тараққиёт йўлимиз кељагаги порлоқ эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Бундай тараққиёт йўлининг афзаллигини жаҳон аҳли эътироф этмоқда. «Ўзбек модели» иборасини халқаро мижёсдаги «манаман» деган сиёсатдонлар, мутахассислар ҳам бугун замон ҳақиқати сифатида тилга олмақдалар. Яқинда ана бир хушхабарни эшитдик. БМТнинг Бошлар фонди — ЮНИСЕФ Ўзбекистонда, аввало, аҳолининг ердан ва мақддага муҳтож тоифаларини ижтимоий ҳимоялашини

(Давоми 2-бетда).

ТОВАРЛАР БОЗОРИ САМАРАЛИ ИШЛАМОҚДА



2008 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржасида маҳсулот сотиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **1,4** баравар ошди.

Товарлар бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлашга хизмат қиладиган моддий ресурсларни сотиш бўйича тегишли механизмларни жорий этиш туфайли шундай натижага эришилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси олдида

Авал хабар қилганимиздек, шу йил 28-29 август кунлари пойтахтимизда Парламентимиз юқори палатасининг ўн бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор ўндан ошқ қонун ҳужжатлари кўриб чиқилади. Улар орасида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Абдурашид АЛТИЕВ билан мазкур ҳужжатнинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти хусусида суҳбатлашди.

циядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши янада яхшилаш, акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари фаолиятини юрutiшда уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш самардорлигини оширади. Акциядорлик жамиятининг келгуси йил учун бизнес-режасига тўхталадиган

органлари фаолиятига аниқлик киритишда ҳамда ўз вақтида уларнинг молия-ҳўжалик фаолияти кўрсаткичларини режа-лаштиришни таъминлашда. Қолаверса, акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қўмқолади.

Шунингдек, мазкур Қонун билан Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот бериш мажбурийлиги тартиби жорий этилмоқда. Бу акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимида Кузатув кенгашининг ролини ва жавобгарлигини янада оширади, шу жумладан, акциядорлик жамиятларининг молия-ҳўжалик фаолиятига оид муҳим, стратегик аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан тегишли қарорларни қабул қилишда Кузатув кенгашининг ваколатини мустақамлаб, масъулиятини кучайтиради. Бундай ўзгаришлар, албатта, акциядорларнинг, хусусан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига "бошқа масалалар" деган ибора билан аниқ бўлмаган, акциядорлар эътиборига олинганда етказилмаган масалаларнинг киритилиши ман этилмоқда. Бу умумий йиғилиш материаллари билан авалдан танишиб чиқмаган акциядорлар ёки айрим сабабларга қўма умумий йиғилишда иштирок эта олмайдиган акциядорларни ушбу масалаларга нисбатан ўз муносабатларини билдириши ва ўз овозлари билан жамият фаолиятини бошқаришдаги ҳуқуқини ҳимоя қилиш қарорларининг мустақамлашга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, Қонуннинг маъқулланиши акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада ҳимоялайди, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруving ошқоралик, масъулият, ҳисобдорлик каби энг муҳим тамойилларни татбиқ этилишини таъминлайди. Миллий фонд бозорининг халқаро фонд бозорига интеграциялашувини жадаллаштиради.

К. ХИДИРОВ суҳбатлашди.

АКЦИЯДОР МАНФААТИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ

катимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этади.

— Абдурашид Сўлтонович, эндиликда акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган ва унга ҳисобдор бўлган корпоратив масъалатчи лавозими жорий этилиши Қонунда акс этибди. Яна, келгуси йил учун акциядорлик жамиятларининг бизнес-режасини яқунлаётган молиявий йилнинг 1 декабрига қадар Кузатув кенгаши тасдиқлаши керак экан?

— Ҳа, Қонунда мана шундай лавозимнинг жорий этилиши белгиланган. Негаки, Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган ва унинг олдига ҳисоб берадиган корпоратив масъалатчи акциядорлик жамиятларида корпоратив кўнунчилик талабларини бажаришини янада яхшилашда муҳим ўрин тутади. У акциядорлик жамиятларида корпоратив кўнунчиликка доир нормаларнинг амалга оширилишида Кузатув кенгашига қўмқолади. Кузатув кенгаши ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлайди ҳамда корпоратив бошқаруving янада такомиллаштиришга ҳимоят қилади.

Мамлакатимиздаги аксарият акциядорлик жамиятларида корпоратив кўнунчиликка доир меъёрларнинг ижросини таъминлаш жамиятнинг иқтисодий органи ҳодимлари зиммасига қўшимча вазифа сифатида юклатилган. Аммо уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда масъулияти қўнунчилик ҳужжатларида ёки жамият уставиди белгилаб қўйилмаган. Бу эса ҳодимларнинг тизимли ҳамда мустақил ишлашларига халақит берапти. Энг асосийси, уларнинг жамият иқтисодий органига ҳисобдор бўлгани ва ваколат ва имкониятларини тўлиқ рўйга қаршида хатти-ҳаракатларини чекаб қўймоқда.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив масъалатчилик институтининг жорий этилиши жаҳон амалиётидаги ижобий тажрибига асосланган. Хусусан, Россия Федерациясида Корпоратив муомала кодекси, Буюк Британияда Компаниялар тўғрисидаги қонун, Филиппин Республикасида Қимматли қўғозлар бозорини тартибга солиш кодекси, Австралияда эса Корпоративлар тўғрисидаги қонун меъёрлари билан ушбу лавозим фаолияти тартибга солинган.

Корпоратив масъалатчилик институтининг ҳаётга татбиқ этилиши инвесторлар, шу жумладан, миноритар ак-

Тўқимачилик:

КАЛАВА ИПДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун четга хом ашё эмас, тайёр ва яримтайёр маҳсулот чиқариш устувор вазифа этиб белгиланган. Шу мақсадда пахтани қайта ишлаб, ўндан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўплаб корхоналар ишга туширилди. Бу жараён узулқўб давом эттирилмоқда. Эътиборлиси, қайта ишлаш корхоналари, фабрикалар нафақат ички молиявий ресурслар ҳисобига ташкил этилаётган, балки хориж инвестицияси ҳам етарлига ўлаштирилмоқда.

Очингани айтиш керак, чет эл сармоясига ўз-ўзидан келмайди. Инвестиция тadbиркорлик қўллаб-қувватланаётган, улар фаолият юрutiши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган мамлакатгагина киритилади. Ўзбекистонда мана шундай имкониятлар борлиги сабаб чет эл сармоядорларининг қизиқиши ортиб бораёпти. Уларнинг ичиди хориж сармоясига ҳисобига ташкил этилган корхоналар ҳам анчагина.

"Alkim Textile" корхонаси — шулардан бири. 600 киши меҳнат қилаётган ушбу корхонада ойига 500-800 минг дона болалар либослари, эркаклар ва аёллар ички кийимлари, шунингдек, 150 тонна гул босилган мато ва 80-100 тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотларнинг асосий қисми Германия, Голландия, Бельгия, Австрия, Россия ва Туркия давлатларига экспорт қилинапти.

Таъкидлаш керак, бугун жаҳон бозорига ўзбек толасига, ўндан тайёрланган маҳсулотларга талаб тобора ортиб бораёпти. Негаки, соф пахта маъносидан тилиётган кийим-кечаклар, газлама ва калава ипларининг сифат кўрсаткичлари барча талабларга жавоб беради. Ички ва ташқи бозорда бун-

дай маҳсулотларга бўлган эътиборни тўла қондириш мақсадида мавжуд қувватлар тўлиқ ишга солинаёпти. Натияжада жорий йилнинг биринчи ярмида 395,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги ўсish суръати 130,0 фоизи ташкил этади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 69,1 миллиард сўмга етиб, 116,6 фоиз ўсishга эришилди. Жумладан, 51,5 миллион квадрат

батан 13,7 миллион АҚШ долларига кўндрди. Очингани айтиш керак, бундай кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Давлатимиз томонидан қайта ишлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва беқийс моддий-техник қўмқо ютуқлар бoш омили бўлаётди. Ҳозирги бoрмаллик, компания тизимиди корхоналарда шу йилнинг дастлабки олти ойида 57,38

берди. Шу билан бирга, мазкур лойиҳаларга яна 35 миллион АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестицияси киритилиб, умумий экспорт салоҳиятини 38 миллион АҚШ доллари етказиши, йил охиригача 1400 та қўшимча иш ўрни очиш кўзда тутилган. Тизимдаги ана шу ўзгаришлар, мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий тизимининг юксалтириши билан бирга, халқимиз турмушининг яна-



метр тайёр газлама, 11,5 миллион қаватдор метр нўқима мато, 26,5 миллион дона трикотаж буюмлари, 6,6 миллиард сўмлик тикув маҳсулотлари, 3,81 миллион жуфт пайпоқ ва бошқа қўллаб турдиги халқ истеъмоли моллари истеъмолчиларга етказиб берилди. Бундан ташқари, шу йилнинг январь-июнь ойларида 204,3 миллион АҚШ доллари миқдориди маҳсулотлар чет давлатларга сотилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нис-

да фаровонлашишига ҳимоят қилади. Зотан, ислохотлардан қўзланган олий мақсад ҳам, аввало, эл-юрт манфаатидир.

Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, «Ўзбекистонисаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси.

СУРАТЛАРДА: пойтахтимиздаги "Alkim Textile" корхонаси фаолиятини лавҳалар. Темир КҮРБОНОВЕВ олган суратлар.

ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бир юртдошимизнинг муқаддас вазифасидир. Зотан, энг катта бойлигимиз — тинчликни мустақамлаш, осуда ҳаётимиз учун қайғуриш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим вазифаси ва бурчидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар фуқаролар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, ёш авлоднинг Ватанга, миллий истиқлол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамият касб этамоқда. Фарзанд дунёга келиши билан оилада, ўқув дарғуҳларида унинг қалбига зарғулик гоғларини синдириш, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарошни шакллантиришга қаратилган. Эзгу мақсадларимизга йўналтирилган бундай ишларнинг яна бир ўзига хос жиҳати — ёш авлодга муқамал таълим бериш билан бирга, Ватан тақдири, унинг бўлуни ва келажак учун масъулиятни чўқур ҳис этадиган, мустақил ва янги-на фикрлайдиган авлодни тарбиялашдан иборат. Зотан, ёшларнинг пухта билим олиши учун юрт тинчлиги ва осойишталиги муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларни турли зарарли оқимлар таъсиридан, шунингдек, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатлардан асрашга, азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш борасида кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда иш олиб бoрилаётди. Хусусан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт гоғлар таъсиридан асраш, наркотик моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш ва тарқатиш, терроризм ва диний экстремизмнинг оғир оқибатлари тўғрисида кенгроқ тушуна бериш мақсадида ҳуқуқий муҳофаз қилувчи идоралар ҳодимлари, мутахассислар билан ҳамкорликда мунтазам учрашувлар, оқик мулоқотлар ўтказиши ўз самараларини бермоқда.

Бу борада профилактика ҳиммати фаолияти такомиллашгани, маҳаллаларда фаолият юрutiётган профилактика инспекторларининг ўзини ўзи бошқариш тизими вакиллари билан ҳамкорлиги тобора мустақамлашаётгани муҳим аҳамият касб этамоқда.

Мамлакатимизда кўчли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳаллаларнинг аҳамияти катта. Шу боис Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти профилактика ҳиматини янада самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ БЕҲЗОД НОРБОВЕВ суҳбатлашди.

ҲОКИМЛИКНИНГ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ

Маълумки, юртимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб идораларнинг «Ишонч» телефонлари аҳоли билан мулоқотнинг ишончли воситаси сифатида ўзини оқлади.

Фуқаролар бундай алоқа воситаси орқали ижтимоий-иқтисодий муам-

Назорат

навий-маърифий масалаларни халқ қилиш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда самарали фойдаланишапти.

Худди шундай «Ишонч» телефонлари Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуринда ҳам иш

бошлади. Келиб тушган хабарлар, тақлифларни ўз вақтида халқ қилиш учун ишчи гуруҳи ҳам фаолият кўрсата бош-

Бундан бунён «Ишонч» теле-фонлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида фаолият кўрсата бошлайди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган тараққиётимизнинг асосий йўналишларидан биридир

нинг аниқ, атрофчи ва ҳолис тадқиқотлари натижаларига таянади.

Бизда аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ўткинчи, муваққат бир чора-тадбир эмас, балки барқарор, узoқ муддатли, мустақам қонуний асосларда йўлга қўйилган сиёсат, ҳаётий амалиётдир. Мустақиллигимизнинг илк йилида, яъни 1991 йилнинг ўзидеки мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг энг устувор йўналишлари бўйича 4 та қонун ва Меҳнат кодекси қабул қилинди. Шундан кейинги йилларда ижтимоий ҳимоянинг қўнунчилик базасини такомиллаштиришга оид яна ўнлаб қонунлар вужудга келди. Қонунлар — кучли ижтимоий сиёсатнинг мустақам пойдеворидир.

Иқтисоддан, дунёдаги ҳеч бир давлат биздагидеки давлат бюджетидан ижтимоий мақсадларга бу қадар катта ҳажмларда маблағ ажратаётгани йўқ. Жумладан, 2004 йилда мамлакатимизда ҳам бoр бюджет хароқатларининг 48 фоизи ижтимоий мақсадларга қаратилди. 2008 йилда бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасига ўсиб етишди. Давлат бюджетети хароқатларининг яримдан кўпини ижтимоий мақсадларга сарфлаётган Ўзбекистон йўли оламда юксак тахминларга сазовор бўлмоқда.

Яна шунини таъкидлаш бурчимизки, мустақиллик давридаги ҳар бир йилнинг «Инсон манфаатлари йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Хонимлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» каби махсу-с номлар билан аталиб, бу йилларда алоҳида, кенг қамровли ижтимоий давлат дастурлари ҳаётига жорий этилганлиги мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат ижро ва фаол амалда эканлигини яқоқ исботлайди.

Табиийки, аҳолининг кам таъминланган тоғларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўтиш даври кўнунчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш — мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя сиёсатини бoри-ришдир. Шу йўсунда, юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, айна пайтда ислохотлар ва мамлакатни янгилаш йўлида олиб бoрилаётган сиёсатнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишига ҳам эришилди. Бу

муносабат билан ўтган ярим йил мобайнида ёш оилаларга уй-йўл қуриш, реконструкциялаш ва харид қилиш учун 17,1 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари, улар кўнунчилиги тусанган уй-рузгор буюмларини сотиб олишлари учун 16,3 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари берилди. Қишлоқ жойларда 241 нафар ёш ўқитувчи оиласига яқна тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратилди.

Ёки халқни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яна шундай бир инсонпарварлик кўриниши мавжуд: мамлакатда ижтимоий инфратўқималарни тўздан янгилаш, замонавий талаб даражасига кўтариш бўйича тизимли иш олиб бoриляпти. Масалан, жорий йилнинг фақат ўтган ярим йили ичиди юртимизда 18 та янги коллеж ва лицей, 19 та янги умумтаълим мактаби, 6 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. 1000 километрдан кўпроқ ичимлик суви қувурлари, 500 километрга яқин газ узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди. Булар, айтиги, ярим йилнинг айрим натижалари.

Умуман, тараққиётимизнинг ижтимоий йўналишларининг бундан да салмоқли далилларни келтиришимиз мумкин. Тоғларни ва сарҳдорларни кесиб очилаётган темир йўллар, тоннеллар, магистраль йўллар — булар халқ учун, унинг фаровонлиги, ижтимоий юксалиш мақсадларига ҳимоят қилади, албатта.

Ижтимоий ҳимоя мустақиллик даврида яна бир самарали шаклда ўзини кўрсатмоқда. Масалан, юртимизда ўнлаб маърифий, юзлаб кичик ва ҳар хил йўналишдаги корхоналар очилди. Булар иқтисодийимизнинг ривожлантиришга ўз улушини қўшишдан ташқари, айна пайтда, бу корхоналар воситасида минглаб кишилар иш жойига, даромад манбаига эга бўлмоқда. Ёки коллежларни битириб чиқайтган ёшлар ҳаётида мустақил иш бошлашлари учун банклардан микрокредитлар бoри-ляпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган ярим йилида Бандликка қўмқолашчи жағмармасидан коллеж битирувчиларига 1 миллиард 480 млн. сўмдан кўпроқ микрокредитлар ажратилди. Пировардида, бу — ўтган ярим йилда қанчадан-қанча ёшлар хусусий тadbиркорлик билан шуғулланиши учун етарли шароитга эга бўлди, деганлидир.

Ишон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуг. Истиқлол йилларидаги ислохотлар эса инсонга ва унинг манфаатлари ривожига ҳимоят қилмоқда. Иқтисодий ва демократик ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ҳам тараққиётимизнинг инсонпарварлик тамойилини янада эъзозлайди ва унга ҳимоят қилади.

Михил САФАРОВ, шoрқоғоччи.

ҲАР ЖОЙНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Таассуфларким, бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ҳидий ташвишга солаётган ҳавф ва таҳдидлар қаторида одам савдоси трансмилий қўлаб касб этамоқда. Уюшган жиноятчилик ва фарозли мақсадларни кузловчи шахслар ўзларининг қабих манфаатлари йўлида кишиларнинг яшаш эркинлиги, озолиги ва дахлсизлигига раҳна солишаёпти.

Дарҳақиқат, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бугун дунёда тобора уммалашди, барчани бирдек ташвишга солмоқда. Негаки, ҳар йил 2,7 миллион нафар одам ушбу жиноятнинг қурбонига айланмоқда. Янада ачинарлиси, жабранганларнинг, ал-

данганларнинг 80 фоизи — аёллар ҳамда ёш болалар.

Глобаллашув шароитида бу жиноятчиликнинг четилаб ўтмапти. Мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи, одам савдосининг, айнакис, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол ратификация қилин-

ди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йл 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш таъсирини қучайтириш чоралари

Қонун ва ижро

тўғрисида»ги қарори ҳам бу борада муҳим ҳужжатлардан саналади.

Биз бугун ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда жомаот ташкилотлари билан ҳамкорликда ушбу қарорнинг вилоятда ба-жарилишини таъминлаш юзасидан қатор амалий ишларни олиб бoриляпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоғизки, одам савдоси билан боғлиқ жиноий ишлар тақдир этилар экан, айрим соддадил киши-

лар фирибгарларнинг алдовига лаққа ташаётгани ва шунинг орқасидан азият чекаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Булар, табиийки, мушохадга қорлайди.

Биргина мисол. Абдуносир Мажи-дон 37 ёшга кирса-да, Шаҳрихон туманининг Абдубий қишлоқ фуқаролар

ийини ўраимидаги Сузоқ маҳалласида хаги уйланиб, бирор ерда ёлчилик йшламай, тараллабедод ҳаёт кoнчган. Бу йилгит уйлмай-нетмай ўз маҳалладоши Абдуҳалим Мажидон ва унинг танишлари Нейматжон Соттқулов, Қобилжон Жўраев билан жиндий тил бирик-тиради. Пахтабод туманидаги Уйғур қишлоғида яшовчи Қаримжон Ҳўжана-заров, Абдуманноб Жўраев, Ҳасанбой Қимизов, Фанижон Абдурахмонов ва уларнинг 27 нафар ҳамқишлоғини алдов йўли билан Қозғистонга олиб кетади. Йигитларни катта миқдорда ойлук иш ҳақи, ётиб-туришлари учун уй-жой билан таъминлашга ваъда беради. Мусофир юртга олиб бор-

гач, ҳаммасининг паспортини йиғиб, ўзларини...

Катта пул илинжида ноқонуний йўллар билан ўзга юртга кетганларнинг қисмати шу бўлдики, Зайнобид-дин Қомиллов шароитнинг оғирлигидан қаттиқ шамоллади. Емок, ичмоқдан қийналиб, касалликка чалинди. Шу ётишда қирқ кун ўрнидан туролмади. Қаримжон Раҳимов ҳам ейишга оватқ, ётишга ҳой йўлқилинган ноқор аҳволга тушди. Иш ҳақларини ололмасдан, бир амаллаб қай-тиб келишди.

Одам савдоси билан шуғулланган Абдуносир Мажидон қўлимизга яраша жазосини олди, албатта. Лекин алдовларига қанча ҳамюртларимизнинг соддалиги ичгани уйлантиради.


Огоҳлик, ҳушёрлик, сезгирлик — давр талаби. Ҳар биримиз ҳаётга ошқ-қўш, равшан ақл билан қарасаккина, боши берк қўнага кириб қолшдан сакланган, қадримизни, шаънимизни асраган бўламиз. Зеро, инсон шаъни — муқаддас.

Шавкат АҲМЕДОВ, жиноят ишлари бўйича Пахтабод тумани суди раиси.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Экспорт пасайганда...



Германияда ялли ички маҳсулот (ЯИМ) иккинчи чорадада 0,5 фоизга пасайган.

"Bloomberg" хабарига кўра, бу ҳолат сўнгги тўрт йил ичида кузатилмаган.

Европада жорий йилнинг иккинчи чорадада иқтисодий кўрсаткичлари пасайган ягона давлат эмас.

Аэропортда ушланди

АҚШ миграция хизмати мамлакатга ноқонуний йўл билан келган Лотин Америкаси фуқароларини кўлга олди.



портда хизматчи бўлиб яширинча ишлаётган экан.

Қайси қадамжоз гавжум?



2007 йилда Париждаги машҳур Муқаддас она ибодатхонаси сайёҳлар ташрифи бўйича биринчи ўринни эгаллади.

"Ассошиэтед-пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, ўтган йили мажмуага 13,6 миллион сайёҳ келган.

Оёқ эмас, қўл экан

Европалик олимлар узоқ изланишлардан сўнг сув жонивори ҳисобланмиш саккизоёқнинг оёқ ва қўллари миқдорига аниқлиги киритишди.



"The Times" нашри хабарига кўра, фақат саккизоёқ мавжуд, деган тушунча юрарди.

20 та илмий марказда олиб борилган икки мингдан зиёд тажрибадан сўнг шундай хулосага келинди.

Вируслар хуружи



Шу йил июль ойи охирида "Google" қайтариқ сўрашда айрим носозликлар вужудга келганди.

Кўни кеча мутахассислар томонидан ушбу ма-салага ойдинлик киритилди.

Энг новча аёл вафоти

АҚШда дунёдаги энг баланд бўйли аёл вафот этди.



"Си-эн-эн" телеканали хабарига кўра, "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилган Сэнди Алленнинг бўйи 2 метру 31 сантиметрга тенг эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида ўрин тутди.

МИКРОСАРМОЯЛАР — ЯРАТУВЧИЛИК МАҚСАДЛАРИГА


Ўтган икки йил мобайнида банк қаддини ростлаб, ўз миқозларини топди ва халқимиз фаровонлиги йўлида янада фаол хизмат қила бошлади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, микро-сармоялар фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга, уларнинг моддий-техник базасини шакллантиришга йўналтирилмоқда.

ёш оилага 3,7 миллиард сўмлик им-тиёзли микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 2208 та ёш оила 3,2 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлар олди.

Банк тизими



Маълумки, юртимизда хотин-қиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аёлларга бола тарбиясида, уйдан ажралмаган ҳолда ишлаш, оила даромадларини кўпайтиришга кўмаклашиш учун кенг шароитлар яратилганда катта эътибор қаратилмоқда.

Хозирги кунда банкнинг филиаллари сони 77 тага, минибанклари сони 272 тага етиб, республикамизнинг барча ҳудудлари, ҳатто, узоқ қишлоқ туманлари ҳам тўлиқ қамраб олинди.

Шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 2208 та ёш оила 3,2 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлар олди.

Микросармоялар, номида ҳам аёни, катта ҳажмдаги маблағлар эмас. Бироқ шу маблағлар ҳисобига юқори натижаларга эришиш банк билан миқроз ҳамкорлигининг асосий мақсади ҳисобланади.

Шу билан бирга, аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаини ошириш мақсадида 2284 та шундай оилага банк томонидан чорва моллари сотиб олиш учун 2,4 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси ҳам диққат марказида турибди.

«Микрокредитбанк» жамоаси ўзининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир тумандаги маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, аҳоли кенг қатламлари билан учрашувлар ўтказмоқда.

«Микрокредитбанк», шунингдек, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни микромолиявий хизматлар билан таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлар кўламини ҳам кенгайтирди.

Шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 2208 та ёш оила 3,2 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлар олди.

Сурхондарёлик тадбиркор Шерзод Раҳматов ҳам «Микрокредитбанк»ка мурожаат этиб, унинг маблағи ҳисобига энг замонавий дурадгорлик ас-

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси ҳам диққат марказида турибди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кўпгина тадбиркорлар банк микросармоялари ҳисобидан миллий хунармандчилик, зардушлик, қуллоқлик, тикувчилик, миллий мебель ҳиқозлари ишлаб чиқариш ва маийий хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича фаолият юритмоқдалар.

Рашид РАУПОВ.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! 2008 йил 2 сентябрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига таклиф этади...

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ» РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ...

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ СОБИР РАҲИМОВ ТЕЛЕФОН БОҒЛАМАСИ ЁШЛАР ЙИЛИДА КЎЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ФУҚАРОЛАР ВА ҚОРХОНАЛАРНИ ТЕЛЕФОН ЎРНАТИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ...

УЛЬЯНОВСКОЕ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводидан ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади...

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport


Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ҳозирги Эллиқалъа тумани ҳудудларида Хоразм Ихтисослаштирилган кўча колоннаси таркибида оддий ишчи эдим. Ишдан бўш вақтларимизда сувга қармоқ ташлаб, дам олардик. Дадилроқларимиз Ақчақулнинг олис ичкарисига қайиқларда сузиб бориб, катта-катта лаққаларни, тажрибали балиқчилар эллик-олтмиш килоча келадиган наҳанглари овлардилар.

ИСТИҚЛОЛ НАВОЛАРИ

Балиқчилардан сўрар эдим: резина қайиқларда бунчалик балиқни олиб чиқишни қандоқ уддалайсизлар, деб. «Лаққани ҳаво ютишга мажбур қилсанг бас, ваҳшийлиги йўқолиб, қўйдай ювош бўлиб қолади. Гап қармоққа илинган наҳангни чангак билан тортиб олиб, ҳаво ютиришда», жавоб беришарди улар.

Лаққа овлашга ҳавасманд бўлиб, Ақчақулга чиққаним, ногаҳонда довул кўзгаллиб, бир амаллаб соҳилга етиб олганим бугунгидек ёдимда. Шунда билганман, наҳанг овлаш учун биргина

Шукуҳ



журятнинг камлик қилишини. Устозлардан таълим олиш керак экан.

Бугун, истиқлол байрами арафасида, ёш ижодкорларнинг анъанавий «Ақчақул илҳомлари» анжумани бошланиши олдидан бу воқеани нима учун эслаб ўтирибман? Менимча, ёшлигимиздаги ана шу кечинмалар билан айни йилларда бўлиб ўтаётган анжуманда қандайдир бир рамзий ўхшашлик бордек. Шеръ ёзадиган одам ҳам ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, қўлига қалам олиши керак. Катта мақсаднинг ўзи билангина иш битмайди. Ана шу катта мақсадга яраша ҳам руҳий, ҳам маърифий тайёргарлик лозим. Бу ҳам кифоя қилмайди. Ижодкор ҳаво ютиб қўйган наҳанг аҳолига тушмаслиги, яъни ўз Ватани, ўзи униб ўсган маъво билан барча томирлари воситасида чамбарчас боғланган бўлиши, Ватансиз ўз ҳаётини тасаввур қила олмаслиги зарур. Унинг Ватани ўз тақдирини тақдирини собит бўлмоғи зарур. Шоиросиз, ижодкорсиз Ватан бўлмаганидек, Ватан-

сиз шоир, ижодкор ҳам бўлмайди. Ватансиз шоир осмондан кулаб тушган кушга, сувдан чиқиб қолган балиққа ўхшайди.

Шоирларимизнинг қалами Қоратогнинг тошларидан, Жайхун тўрағиларининг новдаларидан бунёд бўлган. Шунинг учун ҳам бу каламлар Ватан ҳақида қуйлаганда бўлиб-юё бўлиб кетадилар. Шунинг учун ҳам бу каламлар ўз соҳиблари яшаб умрини адо қилганларида ҳам бетакрор бир жаранг билан янграб тураверади. Хоразм тўларидан ясалган торлардек сайрайверади. Бунга

«Эсар Жайхун шамоллари» қўшиғи далил бўла олади. Бадиий сўз маънавиятнинг қудратли курали, инсоннинг инсон бўлиб камол топишидаги муҳим маърифий воситадир. Шунинг учун ҳам биз мамлакатимизда амалга оширилаётган бу борадаги тадбирларни, ёшларни бадиий ижодга рағбатлантирадиган анжуман ва танловларни чин юракдан маъқуллашимиз.

Хар гал Бўстон шаҳридан тақлифлар етиб келса, биз дил-дилдан қувонамиз. Бу, демак, элимизда истиқлол тўйининг адабиёт ва санъат байрамидан бошланиши.

Мусобақа, бу — бир-бировдан сабоқ олиш дегани. Шунинг учун ҳам мусобақаларда, хусусан адабиёт ва санъат мусобақаларида мағлублар бўлмайди.

Ушбу сатрларнинг эъзаётинида Бўстон тарафдан, Эллиқалъа томонлардан шомоллар эса бошлади.

Булар Шеръиятнинг фараҳбахш шабодалари. Умид экинларидир.

Матназар АБДУЛҲАКИМ.



Пекинда давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг еттинчи кунини ортида қолди. Медаллар учун кураш эса борган сари қизгин тус олмақда.

ОЛҒА БОС, ДИЛШОД!



Эртага барчамиз катта умид боғлаб турган, дунёда ўз ўрнига эга бўлган эркин курашчиларимиз — Дилшод Мансуров, Заурбек Соҳиев, Сослан Тигъев, Курбон Курбонов ва Артур Таймазовлар ҳам мусобақаларда иштирокини бошлайдилар.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, 14 август кунини спортчиларимиз ўқ отиши, юнон-рум кураши, спорт гимнастикаси, дзюдо, академик ешак эшиш ва бокс бўйича беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Шу кунини боксчимиз, Осиё ўйинлари ва жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Маҳмудов (69 кг.) франциялик Шигер Жаовидни 8:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олди. Учинчи босқичда қозогистонлик Бахит Сарсекбаевга қарши рингга кўтарилади. Жорий йил Германияда спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Антон Фокин Олимпиада дастуридаги кўпкураш баҳсларида иштирок этди. Мурасасиз беллашувлар кўнига кўра, ҳамюртимиз кучли йигирмата спортчи орасидан жой олди. Юнон-рум кураши баҳсларида гиламга чиққан Давид Солдадзе (120 кг.) бу сафар ўз имконияти даражасидаги натижага эришса олмади. У озарбойжонлик курашчи Антон Ботевага 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб, мусобақадаги иштирокини муддатидан олдин якунлашга мажбур бўлди. Дзюдочи Ўткир Курбонов (100 кг.) дан ҳам биринчи босқичдаёқ омад юз ўғирди. Ўткир руминиялик Д. Братага кичик ҳисобда ютқазиб қўйди. Ўқ отиш мусобақаларида қатнашган Елена Кузнецова 573 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Рекорд кетидан рекорд

Пекин Олимпиадаси рекордлар ўрнатилиши жиҳатидан ҳам аввалгиларини ортида қолдирадиган кўринади.

Кеча сузиш бўйича Австралия аёллар терма жамоаси 4x400 метрга эркин сузишда сузиш эстафета баҳсларида 7 дақиқа-ю 44,31 сония натижа билан янги жаҳон рекордини ўрнатди.

Уз навбатда, Стефани Райс, Бронте Барратт, Кайли



3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

ОИЛАЛАР МУСОБАҚАСИ

«Ёшлар йили» Давлат дастурига асосан Навоий шаҳрида «Ўзбекистон аёллари ва ёшлари — гиёҳвандликка қарши» шиори остида «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақасининг республика финал босқичи ўтказилди.

Ушбу тадбирдан асосий мақсад — оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда оилавий спортни ривожлантиришдир.

Спорт мусобақасининг тантанали очилиш маросими Навоий конметаллургия комбинатининг спорт аренасида бўлиб ўтди. Фаргона вилоятидан келган камол топаётгани, уларнинг бугунги серирура ҳаёти ва фаолияти, жумладан, ўқиши, ишлаб чиқариши, илм-фан, маданият, спорт соҳасида эришяётган ютуқлари қизиқарли суратлар ва лавҳалар орқали кўрсатиб берилган. Муваққиллик йилларида во-

Ҳамдан ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ПЛАКАТЛАР

«Маънавият» нашриёти Ёшлар йилга бағишлаб «Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи қучидир» деб номланган плакатлар туркумини тайёрлаб, нашрдан чиқарди.



Тухфа

Ўн қисмдан иборат бўлган ушбу плакатларда мамлакатимизда баркамол алоҳиди воёга етказиб, ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳар томонлама ёрқин акс эттирилган.

Юртимиз ёшларининг Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топаётгани, уларнинг бугунги серирура ҳаёти ва фаолияти, жумладан, ўқиши, ишлаб чиқариши, илм-фан, маданият, спорт соҳасида эришяётган ютуқлари қизиқарли суратлар ва лавҳалар орқали кўрсатиб берилган. Муваққиллик йилларида во-

га етган, юксак дунёқарашга, билим ва қобилиятга эга бўлган йигит-қизларимизнинг бугунги ҳаёти, бахтиёр қўёғаси, улар ўн яратиб берилаётган улкан имкониятлар ҳақида кенг маълумот берадиган бу плакатларнинг ҳар бири маъно-маънавий, бадиий хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва ипораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 26 июлдан 8 августгача бўлган маълумот

1. «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низоми» тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 22 июлдаги 79-сонли буйруғи. 2008 йил 4 августда 1840-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 августдан қўлга кирди).
2. «Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг айрим буйруқларини ўз кўнини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2008 йил 22 июлдаги 79-сонли буйруғи. 2008 йил 5 августда 1841-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 августдан қўлга кирди).
3. «Қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи, сўмасидан қишлоқ ҳўжалигини техника билан таъминлашнинг давлат томонидан қўлаб-қувватлаш жағрафасига ўтказилган катий белгиланган акрартамалар тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақидаги қарорини ўз кўнини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 28 июлдаги 81, 16/3, 2008-36-сонли қарори. 2008 йил 5 августда 1105-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 августдан қўлга кирди).
4. «Давлат реестридан чиқарилиди»
1. Баҳоловчи икхтисослигини олишлари учун жиҳмоний шахсларни аттестациядан (кайта аттестациядан) ўтказиш тўғрисида низоми. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва таъбиркорликни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси (рўйхат рақами 1244, 2003 йил 26 май). Адлия вазирлигининг 2008 йил 4 августдаги 167-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.
2. Профессорлик баҳоловчиға қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низоми. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1660, 2007 йил 2 март). Адлия вазирлигининг 2008 йил 4 августдаги 167-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.
3. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида газиччилик икхросида бурталтерия жиҳоси ҳақида Вактчилик қоидалари, 1-сонли ўзгариши ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1601, 2006 йил 24 июль), (рўйхат рақами 1601-1, 2006 йил 11 ноябрь). Адлия вазирлигининг 2008 йил 5 августдаги 168-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.
4. Қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи, сўмасидан қишлоқ ҳўжалигини техника билан таъминлашнинг давлат томонидан қўлаб-қувватлаш жағрафасига ўтказилган катий белгиланган акрартамалар тартиби тўғрисидаги низоми. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1105, 2002 йил 6 март). Адлия вазирлигининг 2008 йил 6 августдаги 169-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилиди.
5. Мазкур ҳўжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳўжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.
6. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган тартибга эна равишда амал қилиётган норматив ҳўжатнинг аниқлиги: 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 19 июлдаги СБ/04-01-32-14/559 ва 16-1-7395-сонли хати. Давлат рўйхатидан ўтказилган меърий ҳўжатлар қўлга киритган ҳўжат сифатида ҳўқуқий оқибатларга олиб келмади ҳамда тегишли ҳўқуқий муносабатлар тартибга солиш, ундаги қўрсатмалар баҳарилмағанини учун фуқаролар, мансабдор шахслар, қорхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида қўрсатилган ҳўжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳўжатни бекор қилиш ва икхросдан чиқариб олиш тўғрисида таъдирнома киритилди.

Успех-дело техники!

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS

Успех

Серверы и компьютеры для решения любых задач

Производительность

Сделано в Германии

Товар сертифицирован

Всёмирная гарантия 3 года

Адрес: ул. Лисюнова, 2. Тел. (+99871) 294-60-60. E-mail: sales@nuron.uz www.nuron.uz

АКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

"МИСТЕР БОНУС!"

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАР УЧУН ҲАР ОЙ БЕПУЛ

200 ДАҚИҚА

БОНУС ортиқча бўлмайди

Эндиликда PerfectumMobile низомазлари Қирғизистон Республикасида ҳам роуминг хизматидан фойдаланишлари мумкин. Истиққоқда марказли ҳорзиқ чиқарилиди!

2009 йилнинг 1 январига қадар. Барча маълумотлар компания офисларида ва www.cdma.uz сайтида.

PerfectumMobile (8598) 305-1111

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 19 август, сешанба кунини чиқади.

Гувоҳнома №001178

УСТАНОВКА И РЕМОНТ КОНДИЦИОНЕРОВ

«ЗИМА-ЛЕТО»

СПЛИТ-СИСТЕМА

ПРОЕКТИРОВАНИЕ МОНТАЖ ПОСЛЕГАРАНТИЙНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ

Работаем по всей территории РУ

357-83-00, 128-04-02, 167-95-49

BERCALLE

МИР обоев

Epistarrn

палитра

Российский линолеум

Тел. 234-48-11

Факс 234-49-58

Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган, Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадли Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалы

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — З. Жонбеков. Мусахҳах — Ҳ. Тошқужаев.

Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6 8